

# **13-ноябр - Халқаро күзи ожизлар куни**



Бугун Қумқұрғон тумани ҳокими ташаббуси билан 13-ноябр-Халқаро күзи ожизлар кунига багишлаб тумандаги күзи ожизлар жамияти аuezолари учун байрам дастурхони ташкил этилди.

Тадбирда туман ҳокими А.Нормаматов сүзга чиқиб күзи ожиз, ногиронлиги бор фуқароларни сана муносабати билан табриклаб, эсталик совғаларини топширди.

Маълумот ўрнида: 1745-йилнинг 13-ноябр куни Франсияда таваллуд топган машҳур педагог Валентин Гаюи Петербург ҳамда Париж шаҳарларида күзи ожизлар учун маҳсус бир нечта мактабларга асос солған. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти қарорига биноан бу кун Халқаро күзи ожизлар куни деб белгиланган: мақсад бир умрга дунёни кўриш имконидан маҳрум бўлганларга барчанинг эътиборни қаратиш эди.

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра, бугунги кунда дунёда 40 миллионга яқин күзи ожиз киши бор, кўриш даражаси паст одамлар сони эса 124 миллион нафар.

Ўзбекистонда 62 мингдан зиёд күзи ожиз инсон истиқомат қиласи.